Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 64 (6954). | 5 апрель, 1979 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979/80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ҳосилни йиғиштириб олишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, юқори сифатли қуруқ ва ширали озуқа тайёрлашни муваффақиятли ўтказиш ҳамда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш мақсадида иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР «Госкомсельхозтехника»си, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Центросоюз», ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхозларнинг, совхозларнинг ва тайёрлов ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига колхозларнинг, совхозларнинг ва тайёрлов ташкилотларининг 1979 йилги ҳосил ўрим-йиғимига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашга ўз вақтида шай бўлишини, шунингдек 1979/80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишларини таъминлаш вазифасини юклади. Бунинг учун:

— барча донли экинларнинг тўла сақлаб қолиниши ҳамда улардан, айниқса кузги экинлар ва маккажўхоридан бевосита белгиланган мақсадлардагина фойдаланиш таъминлансин;

— дон комбайнлари, силос ўрадиган, картошка кавлайдиган ва лавлаги йиғиштирадиган комбайнларни, қаторли ўрим машиналарини, ем-хашак тайёрлайдиган машиналар ва бошқа ўрим техникасини, шунингдек транспорт воситаларини ремонт қилиш суръатларини кучайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин, шу тариқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштиришга ва ем-хашак тайёрлашга киришишдан камида икки ҳафта барвақт мазкур техника шай қилиб қўйилсин, уни ремонт қилиш сифатига алоҳида эътибор берилсин. Шу мақсадда колхозлар, совхозлар ремонт устахоналарининг ҳамда СССР «Госкомсельхозтехника»си корхоналарининг қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш таъминлансин, уларнинг икки сменада ишлаши ташкил этилсин, зарурат туғилган тақдирда саноат корхоналарининг ишчилари ремонт ишларига жалб қилинсин;

— ҳосил ўрими бошланғунча СССР «Госкомсельхозтехника»си ташкилотларида, колхоз ва совхозларда узеллар, агрегатлар ва запас қисмларнинг алмаштириб бериладиган зарур миқдордаги фонди вужудга келтириб қўйилсин, техникавий хизмат турғун ва кўчма воситалари тахт қилинсин, диспетчерлик алоқасининг пухта ишлаши таъминлансин, чорвачилик бинолари, ем-хашак цехлари, омборхоналар, силос ва сенаж сақланадиган омборлар, қуритиш пунктлари ва шу иншоотларнинг асбоб-ускуналари ўз вақтида ремонт қилиниши чоралари кўрилсин;

— дон, кунгабоқар, пахта, қанд лавлаги, узун толали зиғир пояси, картошка, сабзавот ва ем-хашакнинг юқори сифатли етиштирилишини ҳамда ўрим-йиғим ва тайёрлов пунктларига ҳамда асраш жойларига ташиш пайтида шу маҳсулотларнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликни таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

— колхоз ва совхозларда техникадан фойдаланишнинг илғор методлари, ўрим-йиғим ишларини Ставрополь ўлкасидаги Ипатово райони ҳамда мамлакатнинг бошқа илғор районлари ва хўжаликлари тажрибаси асосида комплекс ташкил этиш кенг жорий қилиниши таъминлансин;

— хўжаликлар машина-трактор агрегатларини икки сменада ишлатиш учун машинист-трактурчи кадрлар билан таъминлансин, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш билан бирга ишларни юқори сифатли бажариш ва ўрим-йиғим машиналарининг қувватидан ғоят унумли фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги механизаторларининг социалистик мусобақаси кенг қулоч ёздирилсин;

— ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ем-хашак тайёрлашни ўтказиш даврида хўжаликларда умумий овқатланишни, маданий-маиший ва медицина хизматини кўнгилдагидек ташкил этиш таъминлансин;

— 1979/80 йил қиш фаслида чорва молларини тўла-тўкис таъминлаш учун ем-хашак тайёрлаш топшириқларига вужудга келаётган шароитларни ҳисобга олиб аниқлик киритилсин, ҳар бир хўжаликда пичан, сенаж, силос, ўт талқони, донадор ва брикет ем тайёрлаш планларининг тўла ва ошириб бажарилишини ташкил этишга, шунингдек хўжаликларда ем-хашак ресурсларини қўшимча равишда ғамлаш ва ундан оқилона фойдаланиш учун ҳамма резервларни ишга солишга алоҳида эътибор берилсин;

— ҳашаки экинлар экилган майдонлар ем-хашак етиштирувчи механизациялаштирилган бригада ва звеноларга бириктириб қўйилиб, улар мўл ҳосил олиш учун зарур техника ва ўғитлар билан таъминлансин;

— хашак тайёрлаш билан айни бир вақтда уни чорва қишлайдиган жойларга ташиб олиш, шу тариқа чорвани молхоналарда боқиш пухта ишлаш таъминланғунча ем-хашакнинг чорвачилик фермаларига ташиб олинишини асосан тугаллаш ташкил этилсин, шунингдек ем-хашакни ёғин ва талон-тарождан сақлаш учун зарур чоралар кўрилсин;

— қишловга қолдириладиган жами молларнинг ветеринария кўригидан ўтказилиши 1979 йил 1 ноябрга қадар тугаллансин ва чорва молларининг касалга чалинишига йўл қўймаслик юзасидан ветеринария олдини олиш тадбирлари комплекси ўтказилсин.

Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, автоном республикаларнинг Министрлар Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол органларига 1979 йил ҳосилини ўриб-йиғиб олишни муваффақиятли ўтказиш ва чорва қишловига ҳозирлик кўриш соҳасидаги оммавий-сиёсий ишни ўз вақтида кучайтириб юборишни таклиф этилди. Коммунистлар, маҳаллий Советларнинг депутатлари, касаба союз ва комсомол активлари, халқ контролёрлари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига тўғри жойлаштирилиши ҳамда уларнинг иши ташкил этилиши таъминлансин, ҳосилнинг тўла сақлаб қолиниши ва сифатли қайта ишланиши учун курашда уларнинг роли ва масъулияти оширилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР «Госкомсельхозтехника»сига ҳамда колхоз ва совхозларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борадиган бошқа министрликлар ва идораларга 1979 йил планида кўзда тутилган чорвачилик бинолари ва ем-хашак цехлари қурилишини жадаллаштириш ва ишга тушириш учун зарур чораларни кўриш, уларни 1979 йил ноябридан кечиктирмай фойдаланишга топширишни таъминлаш вазифаси топширилди. СССР «Госкомсельхозтехника»си билан СССР Госснабн шу мақсад учун зарур комплект технология ва бошқа асбоб-ускуналарни ишга туширадиган қурилишларга етказиб беришни таъминласинлар.

СССР «Госкомсельхозтехника»си билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига колхоз ва совхозларда чорвачилик техникасини ҳамда ем-хашак ни қайта ишлайдиган ва тайёрлайдиган машиналарни ремонт қилиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш ишларини кенгайтириш, районлардаги «Сельхозтехника» бирлашмаларида чорвачилик фермаларининг алмаштириб бериладиган узеллари, агрегатлари ҳамда тўла комплектли машина ва ускуналари фондини вужудга келтиришни таъминлаш таклиф этилди.

СССР гўшт ва сут саноати министрлигига чорва ва парранда кўплаб топширадиган мавсумгача гўштни қайта ишлайдиган корхоналарни кечи билан 1979 йил 1 августгача ва паррандачилик комбинатларини кечи билан 1 июлгача ремонтдан чиқариб шай қилиб қўйиш, бу корхоналарни малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш, гўшт комбинатлари ва паррандачилик комбинатларининг чорва, парранда ва кўён қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида узлуксиз ишлашини ташкил этиш, шунингдек қабул қилиб олинган чорва ва паррандаларнинг тирик вазни ҳамда семизлиги сақлаб қолинишини таъминлаш топширилди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг диққат-эътибори ўт экилган ҳамма майдонлари ва табиий пичанзорлардаги ем-хашакни ўз вақтида тайёрлаш зарурлигига қаратилди. Қанд лавлаги, картошка палагидан, чорвачилик чиқитларидан, шунингдек похол, тўпон, озиқ-овқат саноати ва умумий овқатланиш чиқитларидан мол боқиш мақсадларида имкони борича яхшироқ фойдаланилсин, кузги яйловларда ем-хашак тайёрлаш ва унинг эҳтиёт запасларини ғамлаб олиш учун зарур чоралар кўрилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда тугатиб юборилган чорвачилик фермаларини қайта тиклаш ва янгиларини ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирларни 1979 йилда амалга ошириш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва СССР Тайёрлаш министрлигига кўп йиллик ўтлар, айниқса беда ва йўнғичқа уруғи етиштиришни кўпайтириш чораларини кўриш, уруғчиликни яхшилашга ва мазкур уруғликни умумиттифоқ фондига етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларини бажаришга, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини навли уруғликлар, кўчатлар ва зотдор ёш моллар билан таъминлашга доир зарур тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига хўжаликларнинг ўз эҳтиёжига етарли миқдорда юқори сифатли уруғлигини ғамлаб олишлари, колхозларда, совхозларда ва бошқа давлат хўжаликларида дон ва дуккакли дон экинларининг эҳтиёт фондлари ҳамда кейинги йилга ўтадиган уруғлик фондларини вужудга келтириш устидан, шунингдек давлат ресурслари учун навли уруғлик тайёрлаш планининг бажарилиши устидан қаттиқ контроллikни таъминлаш топширилди. Камчил ва истиқболли дон ва дуккакли дон навларининг ҳамда маккажўхори оддий гибридларининг етиштирилган бутун ҳосилидан фақат уруғлик мақсадлари учунгина фойдаланилсин.

СССР «Госкомсельхозтехника»си билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига «Трансельхозтехника» транспорт корхоналарининг автоколонналарини 1979 йил ҳосили ўрим-йиғимига шай қилиб қўйиш, юк автомобилларини бир автомобилга икки ҳайдовчи ҳисобидан шоферлар билан таъминлаб қўйиш топширилди. Зарурат туғилган тақдирда ана шу автоколонналарни ҳосил ўрим-йиғими ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш учун бир иттифоқдош республикадан иккинчисига ўтказишга рухсат берилди. Темир йўллар министрлиги автоколонналарни ташиш учун юк тақдим этилишига қараб темир йўл платформалари ажратиб берилиши лозим.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР «Госкомсельхозтехника»си ва Темир йўллар министрлигига вужудга келган шароитларга қараб дон экинлари ҳосилини тезроқ ўриб-йиғиб олиш учун иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб, 1979 йил май—августида дон ва техника экинларини йиғиштириб олаётган комбайнларини ҳамда бошқа ўрим-йиғим машиналарини етказиб бериш муддатларини ўзгартиришларига ва зарурат туғилган тақдирда Қозоғистон ССРга ва РСФСРнинг қўриқ районларига ҳосил ўрим-йиғими даврида бошқа иттифоқдош республикалардан тажрибали комбайнчиларни юборишларига ижозат берилди.

(Давоми иккинчи бетда)

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

В. И. ЛЕНИН номли Ўзбекистон металлургия заводи ёшлари қизил шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Яқинда, заводда комунистик шанбаликни кутиб олишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда мартен цехининг пўлат қуювчиси, область комсомол комитетининг аъзоси Юрий Коломейцев комсомол-ёшларни шанбаликда юксак унумдорлик билан ишлашга чақирди. 21 апрелда цех аҳли иқтисод қилинган металл, ёнилғи, электр энергия ҳисобига плондан ташқари 50 тонна мартен пўлати эритишга азму-қарор қилганликларини билдирди.

Корхонадаги барча цех комсомол-ёшлари ёш пўлат қуювчининг мурожаатини якдиллик билан маъқуллади-лар. Комсомол ташкилотлари Қизил шанбаликни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш мақсадида режалар тузиб олишди.

* * *

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 21 апрелда ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бирлашма чеварлари шанбалик куни бажарилиши ишларни аниқ белгилаб олдилар.

Шу кунги меҳнат байрамида 3 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи иштирок этади. Уларнинг кўпчилиги бевосита маҳсулот тайёрлаш билан банд бўлади. Идора ходимлари эса тевarак—атрофни ободонлаштириш, кўчат ўтказиш, гулзорлар яратиш—билан шуғулланадилар.

Дастлабки ҳисоб-китоб бўйича шанбалик куни чеварлар савдо ташкилотларига 3248 дона турли размердаги костюмларни тикиб жўнатадилар. Шанбаликда тушадиган маблағнинг 220 минг сўми ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Бирлашма атрофида ҳозир янги ҳиёбонлар ташкил қилинмоқда, об-ҳаёт йўллари очилмоқда. Теварак атрофни ободонлаштириш ишлари аллақачон бошланиб кетган. Бирлашма ишчилари баҳор фаслида 1700 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга, гулзорлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

А. ҒУЛОМОВ, жамоатчи мухбир.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

ҚИБРАЙ. (Ўз мухбиримиздан) КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорларини оғишмай ҳаётга тадбиқ этаётган Оржоникидзе райони чорвадорлари қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Улар барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан биринчи квартал топшириқларини ортиги билан бажардилар. Район колхоз ва совхозларида топшириқда кўзда тутилган 853 тонна ўрнига 985 тонна гўшт, 2315 тонна ўрнига 2319 тонна сут, 31 миллион 206 минг дона ўрнига 34 миллион 81 минг дона тухум етиштирилди.

Бу муваффақиятга СоюзНИХИ Марказий таянч базаси бўрдоқибоқарлари, Ленин номли колхоз, «Красний Водопад» таянч тажриба базаси сут согувчилари, «Бўстонлиқ» паррандачилик фабрикаси товуқбоқарлари, айниқса, баракали ҳисса қўшдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, СоюзНИХИ марказий таянч базасида гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 637 килограммга тўғри келди.

Район хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш жадал суръатлар билан давом этаётир.

ДАЛАЛАР УЙҒОҚ



ТОНГ саҳарлаб далага отланган Жумақул ака баҳор қуёши уйғонгунга қадар бригада ерларини бир бор айланиб чиқиб, баланд шийпон устунига суянганича нималарнидир хомчўт қилар, аҳён-аҳён қўлидаги ён дафтарчага кўз қирини ташлаб қўярди. Шу топ уни бу ҳолатда кўрган киши «у эрталабданоқ катта бир ишни режалаб қўйди-ёв», деб ўйларди сўзсиз.

Дарвоқе, у муҳим бир иш ҳақида бош қотирарди. Мана уч-тўрт кундирки, 24 нафар колхозчи уват чопяпти, ерга-ер қўшяпти. Бу ҳақда яқинда райком йиғилишида ҳам катта мунозара бўлди. Об-ҳаво инжиқликлари тўфайли ўтган йили рўй берган қийинчиликлар ва оғир сабоқ районда ҳаммани сергаклантириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам барча хўжаликларда бу муҳим тадбирни амалга оширишга зудлик билан киришилди. Бу ишни анча аввалроқ бошлаган Жумақул ака Пиримқулов бошлиқ бригада миришкорлари эса, суръатни яшда жадаллаштириб юборишди. Бир неча куп ичида бригада ерига яна 5 гектар ер қўшилди.

Улоқда ютқазган чавандознинг дарди, алами янги улоққача, то ғолиб чиқмагунча ўнга тинчлик бермайди. Айниқса, доим ғалаба қозониб ўрганган кишига бу жуда оғир. Бултурги йил элликцентнерчи ташаббускор «оқ олтин» миришкори, тажрибакор пахтакор Жумақул ака Пиримқулов учун ана шундай оғир бўлди. Юз гектар майдонга 4—5 қайталаб чигит экилди. Устига-устак куз ҳавоси деҳқонларга яна панд берди. План тўлмай қолди.

Бундай кезларда умр бўйи пахтасига ишлов бериб, суяги меҳнатда қотган киши учун жуда қийин. Унга сабаб кўрсатиш, бирон нарсани рўкач қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки, у ўша замонок аниқ мақсад, тайин бир хулосага келиб қўйган. Яъни бу — камини тўлдириш, камчиликларни бартараф этиш ва доғни янги улкан ғалабалар билан ювиш, олдинги довруғни қайта тиклаш демакдир.

Жумақул ака Пиримқулов бошлиқ юқори ҳосилли бригада пахтакорларининг асл мақсади ҳам бугун худди ана шундай. Бригада аъзолари янги ҳосил мавсумига ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан ҳозирлик кўришди. Техника барвақт сифатли ремонтдан чиқарилди. Куздаёқ ўғитланиб, чуқур ағдариб ҳайдалган майдонлар қуёшли ғанимат кунларда фойдаланиб, қайта планировка қилинди, бороналанди. Бунда гектарларнинг тўлиқ бўлишига алоҳида эътибор берилди. Карта бурчаклари, йўл ёқалари экин майдонларига қўшилди. Ортиқча ариқ-зовурлар кўмилиб, карталар яхлитлаштирилди. Бунда Соли Холбоев, Исмат Каримов, Раҳмонқул Мустафоқулов, Холмат Тошев сингари аъзоларнинг алоҳида намуна кўрсатишди.

Кечаги кун бригадада дастлабки барака уруғи ерга ташланди. Механизаторлар звено бошлиқлари Марат Мархабоев, Раҳим Пиримқуловлар ўз экин агрегатларини далага олиб чиқишди. Улар чигит экишни қисқа вақт ичида 5—6 иш кунида тугаллаш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишаяпти.

Ҳозир ҳар бир кун ғанимат. Ахир, эртанги ҳаракат-кузги баракат, деб бежизга айтишмайди. Лекин ишда сифат ҳам муҳим роль ўйнайди. Буни яхши тушунган бригада деҳқонлари ерга чигитни аниқ режа сими тортиб ташлашяпти. Бундан ташқари чигит экиш билан айни бир вақтда ерга гектар ҳисобига 200 килограммдан аммофос солиниб, гирбидиқ сепиб кетиляпти.

Бригада заршунослари бу йил, айниқса, юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар беш йилликнинг бу зарбдор тўртинчи йилида гектарлардан пландаги 33,8 центнер ўрнига 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришмоқчи!

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз.

Суратда: колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев (чапда) билан бригада бошлиғи Жумақул Пиримқулов экиш сифатини кўздан кечиришяпти.

Ҳ. Аввалов фотоси.



Тойир Муҳиддинов Тошкент асбобсозлик заводида ишлаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу йиллар давомида у доимо илғорликка интилиб келди ва пешқадам ишчилар сафидан ўрин олди. У тайёрлаётган асбоблар давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Суратда: Т. Муҳиддинов иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ИЛҒОР ЛАР НАМУНАСИ ЧОРЛАЙДИ

Областимиз корхоналари ва ташкилотларида коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Саноат корхоналарининг бир группа бригадалари коллективлари шу шонли сана шарафига зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди.

«Компрессор» заводи темирчилик-пресслаш цехидан Нусрат Ҳикматов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Олтинтопган кон бошқармаси еросги конидан Виктор Алексеевич Кольцов, Тошкент зарғарлик фабрикаси нодир металлар цехидан Ҳамидулла Лутфуллаев, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати 2-цехидан Наримон Шавкатович Исломов, Тошкент булка-кондитер комбинатининг 2-ишлаб чиқаришидан Тўра Хошимов, Сергели бинокорлик материаллари ва темир-бетон конструкциялари комбинатидан Валерий Георгиевич Безгин, Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси тамбур цехидан Мастура Мирзаахмедова ва «Ўзбекгидроэнергострой» трести автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг ремонт заводидан Сервер Желилович Челибиев ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар меҳнатни, иш жойини ташкил этишни янада такомиллаштириш, илғор усулларни қўллашни ҳисобига қўшимча ишлаб чиқариш резервларини ишга солиш йўли билан В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини ўнинчи бешйиллик бошидан бери беш-саккиз йиллик планларни бажариш билан кутиб олишга қарор қилдилар. Бу бригадалар коллективлари барча маҳсулотни тайёрлашни ва ишларни фақат аъло сифатли қилиб бажариш, ҳамма-ёшё, материаллар, электр энергиясини кўп миқдорда тежаб қолиш мажбуриятини олдилар.

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг М. Маҳмудов раҳбарлик қилаётган кесувчилар бригадаси ўнинчи беш йиллик топшириқларини 1980 йилнинг 20 апрелигача бажариш, шу кунгача беш йиллик бошидан бери 1 миллион 425 минг квадрат дециметр қаттиқ чарм товарларини тежаб қолишга аҳд қилдилар. Улар тежалган маҳсулот ҳисобидан 140 минг жуфт пойафзал учун етадиган деталлар тайёрлашади.

Шу фабриканинг Фозил Нишонов бошчилик қилаётган бичиқчилар бригадаси беш йиллик топшириғини 1980 йилнинг 20 апрелигача бажариш ва 186,2 минг квадрат дециметр юфта материаллари иқтисод қилиш, тежаб қолинган материаллар ҳисобига икки кун ишлашга қарор қилди.

Шу корхонанинг Н. Н. Авилова раҳбарлик қилаётган бичиқчилар бригадаси 1980 йилнинг 20 апрелигача олти йиллик топшириқни бажариш, 600 минг квадрат дециметр хром товарларини тежаб қолиш ва иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 13 кун ишлашга ваъда берди.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг А. А. Соколова бошчилик қилаётган бичиқчилар бригадаси 1980 йилнинг 20 апрелигача олти йиллик топшириқни бажариш, 345 минг квадрат дециметр хром-чарм товарларини тежаб қолиш, 11 кун давомида иқтисод қилинган материаллардан маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Шу фабриканинг С. С. Ларионова бош бўлган бичиқчилар бригадаси 1980 йилнинг 22 апрелигача олти йиллик топшириқни бажариш, 152,4 минг квадрат дециметр таглик чарм материалларини ҳамда 420 минг квадрат дециметр чарм товарларини тежаб қолиш мажбуриятини олди.

Шу фабриканинг М. Ҳ. Ходиев раҳбарлигидаги кесувчилар бригадаси 1980 йилнинг 22 апрелигача ўнинчи беш йиллик бошидан бери олти йиллик топшириқни бажариш, 633 минг квадрат дециметр чарм ўрнида ишлатиладиган материаллар ва 389 минг квадрат дециметр чарм товарларини тежаб қолишга аҳд қилди.

Тошкент область касаба союзлари Совети президиуми илғор бригадаларнинг қимматли ташаббусини маъқуллади, область касаба союзлари комитетлари, фабрика, завод ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг маҳаллий комитетлари зиммасига хўжалик органлари билан биргаликда В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан зиммасига юксак социалистик мажбуриятлар олган бу саккиз илғор бригада ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда барча меҳнат коллективларида кенг ёйиш вазифасини юклади. Юбилей мусобақаси иштирокчилари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мусобақа натижаларини доим ва ўз вақтида якунлаш, иш натижаларининг чоғиштирилиши ва мусобақанинг кенг ошкоралигини таъминлаш таклиф этилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Бошн 1-бетда).

СССР Госснабига, ўрим-йиғим ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, уларнинг запас қисмлари, аккумуляторлар, металл маҳсулотлар ва бутлаш узеллари, резина-техника ва электр-техника буюмлари, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш учун керакли бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган СССР министрликлари ва идораларига 1979 йилда уларни муддатидан илгари тайёрлаб, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигига қарорда белгиланган муддатларда етказиб беришни таъминлаш топширилди. Саноат министрликлари ва идораларига қишлоқ хўжалик машиналарини, тракторларнинг, ўрим-йиғим машиналарининг, трактор прицеплари ва суғориш техникасининг запас қисмларини, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини қўшимча равишда тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериш топшириғи белгиланди.

Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигига, Автомобиль саноати министрлигига, чорвачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигига ҳамда бошқа машинасозлик министрликларига гарантияли техникага хизмат қиладиган таянч пунктлари ва базаларининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш, шунингдек уларни запас қисмлар, ремонт воситалари ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини белгилаб қўйишларига ижозат берилди.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда юк автомобилларининг кечаю-кундуз ишлашини ташкил этиш зарур деб топилди. Шу мақсадда Иттифоқдош ва Автоном Республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари ҳосил ўрим-йиғимида банд бўлган ҳамма автомобилларни ҳар бир автомобилга икки ҳайдовчи ҳисобидан шоферлар билан таъминлаб қўйишлари, зарур бўлган тақдирда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан шоферлар жалб этишлари лозим.

Дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, силос ва сенаж ташиб олишга мўлжалланган автомобиль шоферларининг, ремонт ишчиларининг, автоколонналар механиклари ва бошлиқларининг, автомобиль хўжаликлари диспетчерларининг, шунингдек колхозлар ҳамда колхозлараро корхона ва ташкилотлар автомобиль шоферларининг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 75 процентини, аммо тариф ставкасидан кам бўлмаган қисми бутун командировка даврида сақланиб қолиши кўзда тутилди. Мазкур ҳақ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шу ходимларнинг асосий иш жойидаги ўз маблағлари ҳисобидан, колхозлар ва колхозлараро корхоналар ва ташкилотлардан командировка қилинган шоферларга эса шоферлар қаерга юборилган бўлса, ўша республика бюджетидан ҳосил қилинган ўрим-йиғимида ишлаган жойдаги ташкилотлар ва хўжаликларда тўланади. Шу сабабли командировка қилинган ходимларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

1979 йил дон ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб олишда ишловчи кўп юк ортиладиган автомобиллар ва прицепли автомобиллар (автопоездлар) шоферлари учун тариф ставкасининг 25 процент миқдорида қўшимча мукофотлаш белгиланди, бу мукофот ҳар сменалик иш натижаларига қараб белгиланган иш вақти давомида смена топшириғини бажарган тақдирда тўланади.

Комбайн ва бошқа ўрим-йиғим агрегатларининг бошқа ходимларига: трактордa ишловчи машинист-трактористга комбайнда ишловчи машинист-трактористга берриладиган дон ҳажмининг 80 процентидан миқдорида, комбайнда ишловчи машинист-тракторчининг ёрдамчисига ҳамда автомобиль шоферларининг ҳар бирига 70 процент миқдорида ва ўрим-йиғим агрегатларига хизмат қилувчи созловчи устага 50 процентидан миқдорида дон берилсин. Шу билан бирга машинист-тракторчилар ва бошқа ходимларнинг ҳосилга қараб, натура ҳақи тегишли донинг ҳарид нархи қиймати миқдорида пул билан алмаштирилиши мумкин.

Сибирь, Урал, Узоқ Шарқдаги ва Қозоғистоннинг қўриқ районларидаги хўжаликларда ғаллани ўриб тўплаб кетадиган ўроқ машиналарда ишловчи машинист-тракторчиларга дастлабки 7 кунда, қолган районларда эса ҳар бир экин оммавий экишга киришилган дастлабки 5 кунда ҳосили ўриб-йиғиб олинган ҳар гектар учун ҳосилга ва ўрим-йиғим шароитларига қараб 0,5 килограмм дон ва нўхот ўришда 1,5 килограмм нўхот бериш кўзда тутилди. Совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларининг мазкур миқдорларда дон бериш нормалари ва тартибини иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари белгилайди.

Совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари директорларининг совхозлардаги доимий ишчилар, шунингдек ҳосилни йиғиштириб олишга жалб этилган ходимларга иш ҳақи ҳисобига пландаги таннархи билан, аммо чакана нархдан юқори бўлмаган нарх билан сотиш учун картошка, сабзавот, мева, узум, резавор мева ва полиз маҳсулотлари ҳосилининг 10 процентгача бўлган қисмидан фойдаланишларига ижозат берилди.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари ҳамда бошқа ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан ўсган ҳосилдорлик ва маҳсулотлар ошиши учун қўшимча ҳақ тўланадиган ишларнинг рўйхати ва миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилди.

1979 йилда қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиш корхоналарида ишлаш учун жалб қилинадиган ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 50 процентини сақланиб қолади, деб белгиланди. Мазкур ҳақни ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги корхона ҳамда ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қиладиган корхоналарда ишлаш учун жалб этиладиган ишчи ва хизматчиларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда бошқа республикалар, ўлка ва областларнинг колхоз ҳамда совхозларидаги ўрим-йиғим ишларига борадиган машинист-тракторчилар ва бошқа механизаторларга вақтинчалик иш жойига етиб бориш ва у ердан қайтиб келиш ҳақини тўлашга ҳамда йўлда бўлган вақти учун ҳамда совхоз ва колхозга етиб боргандан кейинги дастлабки уч кун учун ўртача иш ҳақини тўлашга ижозат берилди. Совхозларда мазкур механизаторларнинг механизаторларга шу совхозларда амал қилинган механизаторларга эса шу механизаторлар қаерга юборилаётган бўлса, ўша иттифоқдош республика бюджетидан ўзларининг ҳосил ўрим-йиғимида ишлайдиган хўжаликларда тўланади. Шу сабабли командировка қилинган механизаторларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Колхозларга командировка қилинган механизаторлар меҳнатига совхозларда амал қилаётган норма ва расценкаларга биноан ҳақ тўлаш тавсия этилди.

Колхозлардан командировка қилинган механизаторларга ўз ихтисосидаги иш стажи учун иш ҳақига асосий иш жойида белгиланган миқдорда устама ҳақ ёзилади. Мазкур устама ҳақни механизаторлар ҳосил ўрим-йиғимига командировка қилинган хўжаликлар тўлайди.

Колхозларга бошқа хўжаликлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун юборилган машинист-тракторчилар ва автомобиль шоферларининг иш вақтини ҳар йилги ҳақ тўланадиган отпуска олиш ҳуқуқини берувчи меҳнатдаги иштироки минимумини бажаришга қўшиш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига меҳнат ҳақи ва йўл ҳаражатларини тўлашнинг ушбу қарорда белгиланган тартибини совхозлардан ва бошқа давлат корхоналаридан хашак тайёрлаш учун мамлакатнинг бошқа районларига борадиган машинист-тракторчилар ва автомобиль ҳайдовчилари учун ҳам қўлланишга ижозат берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда истисно тариқасида республикалар, ўлкалар ва областларнинг ички ресурслари ҳисобидан хўжаликларнинг раҳбарлари билан келишиб, шаҳарларнинг, ишчи посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меҳнатга яроқли аҳолисини қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиш корхоналарида ишлашга жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

1979 йилда қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиш корхоналарида ишлаш учун жалб қилинадиган ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 50 процентини сақланиб қолади, деб белгиланди. Мазкур ҳақни ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги корхона ҳамда ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қиладиган корхоналарда ишлаш учун жалб этиладиган ишчи ва хизматчиларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда бошқа республикалар, ўлка ва областларнинг колхоз ҳамда совхозларидаги ўрим-йиғим ишларига борадиган машинист-тракторчилар ва бошқа механизаторларга вақтинчалик иш жойига етиб бориш ва у ердан қайтиб келиш ҳақини тўлашга ҳамда йўлда бўлган вақти учун ҳамда совхоз ва колхозга етиб боргандан кейинги дастлабки уч кун учун ўртача иш ҳақини тўлашга ижозат берилди. Совхозларда мазкур механизаторларнинг механизаторларга шу совхозларда амал қилинган механизаторларга эса шу механизаторлар қаерга юборилаётган бўлса, ўша иттифоқдош республика бюджетидан ўзларининг ҳосил ўрим-йиғимида ишлайдиган хўжаликларда тўланади. Шу сабабли командировка қилинган механизаторларга суткалик ва квартира ҳақи тўланмайди.

Колхозларга командировка қилинган механизаторлар меҳнатига совхозларда амал қилаётган норма ва расценкаларга биноан ҳақ тўлаш тавсия этилди.

Колхозлардан командировка қилинган механизаторларга ўз ихтисосидаги иш стажи учун иш ҳақига асосий иш жойида белгиланган миқдорда устама ҳақ ёзилади. Мазкур устама ҳақни механизаторлар ва автомобиль шоферларини колхоз ва совхозларга жалб этишга ижозат берилди.

СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат Комитетига ВЦСПС билан биргаликда 1979 йилда колхоз ва совхозларда ишлаш учун командировка қилинган машинист-тракторчилар ҳамда бошқа механизаторлар ва автомобиль шоферларини меҳнатига 1978 йилда амал қилган шартлар асосида ҳақ тўлаш тўғрисида изоҳ бериш топширилди.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига 1979 йилда пичан, похол ўримида, силос, сенаж тайёрлашда ва ўт талқони янчишда машғул бўлган ходимларга тайёрланган пичан ва силоснинг 10 процентгача ва похолнинг 20 процентгача қисмини (тегинга) беришларига ҳамда совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг шахсий уй чорвасига эга бўлган доимий ходимларига шунча миқдордаги маҳсулотни пландаги таннархда сотишларига рухсат этилди.

Совхозларнинг, ўрмон хўжаликларининг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига тракторлар ва машиналарни ишлатиб бўлмайдиган ерларда қўлда пичан ўриб тайёрлашда машғул бўлган ходимларга пичанининг 50 процентгача қисмини (тегинга) бериш ҳуқуқи берилди. Тегинга берилган пичанни тайёрлаш учун ҳақ тўланмайди.

Совхозлар ва бошқа давлат корхоналарининг ходимлари учун белгиланган рағбатлантиришнинг ана шу турларини колхозларда ҳам қўлланиш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига совхозларнинг ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 1979 йилда ерларни эрта шудгор қилишда машғул бўлган машинист-тракторчиларга ҳарид нархларида дон сотишларига ижозат бериш ва колхозларга ҳам шундай қилишни тавсия этиш ҳуқуқи берилди.

Дон қабул қилиш муддатларини қисқартириш мақсадида РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига колхозларга, совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳосил ўрим-йиғимида қатнашиш учун РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларига келган ҳамда шу районларда комбайнларда ишлашнинг мавсумий нормасини бажарган машинист-тракторчиларга ва машинист-тракторчиларнинг ёрдамчиларига давлат харид нархлари билан 10 центнергача, мавсумий нормани бажармаганларга эса озроқ миқдорда нақд пулга дон сотиш ҳуқуқи берилди. СССР Тайёрлаш министрлигига 1979 йилда, истисно тариқасида, РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларига ҳосил ўрим-йиғимига келган машинист-тракторчилардан, машинист-тракторчиларнинг ёрдамчиларидан ва автомобиль шоферларидан ўз меҳнатлари эвазига олган донни киши бошига 14 центнергача миқдорда, бошқа районларга келган кишилардан эса 4 центнергача миқдорда станциялар ва пристанлар ҳузуридаги галла қабул қилиш корхоналарида қабул қилиб келиб қўйишни таъминлаш, ҳар бир автоколонна учун ҳар бири 1979 йил ҳосили ўрим-йиғимида ўз меҳнати эвазига қанча дон олганлиги тўғрисида хўжаликларнинг справкаларини кўрсатишлари керак), доимий ишчиларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг шахсий уй чорвасига эга бўлган доимий ходимларига шунча миқдордаги маҳсулотни пландагига таннархда сотишларига рухсат этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда ишларнинг энг долзарб даврларида саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналардан, муассаса ва ташкилотлардан улар учун белгиланган план топшириқларининг бажарилишига зарар етказмай, тракторлар ва бензин ташувчи автомобилларни шоферлари билан, шунингдек машинист-тракторчилар ҳамда бошқа механизаторлар ва автомобиль шоферларини колхоз ва совхозларга жалб этишга ижозат берилди.

СССР меҳнат ва социал масалалар Давлат Комитетига ВЦСПС билан биргаликда 1979 йилда колхоз ва совхозларда ишлаш учун командировка қилинган машинист-тракторчилар ҳамда бошқа механизаторлар ва автомобиль шоферларини меҳнатига 1978 йилда амал қилган шартлар асосида ҳақ тўлаш тўғрисида изоҳ бериш топширилди.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига 1979 йилда пичан, похол ўримида, силос, сенаж тайёрлашда ва ўт талқони янчишда машғул бўлган ходимларга тайёрланган пичан ва силоснинг 10 процентгача ва похолнинг 20 процентгача қисмини (тегинга) беришларига ҳамда совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг шахсий уй чорвасига эга бўлган доимий ходимларига шунча миқдордаги маҳсулотни пландагига таннархда сотишларига рухсат этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда ишларнинг энг долзарб даврларида саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналардан, муассаса ва ташкилотлардан улар учун белгиланган план топшириқларининг бажарилишига зарар етказмай, тракторлар ва бензин ташувчи автомобилларни шоферлари билан, шунингдек машинист-тракторчилар ҳамда бошқа механизаторлар ва автомобиль шоферларини колхоз ва совхозларга жалб этишга ижозат берилди.

Колхозларга бошқа хўжаликлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун юборилган машинист-тракторчилар ва автомобиль шоферларининг иш вақтини ҳар йилги ҳақ тўланадиган отпуска олиш ҳуқуқини берувчи меҳнатдаги иштироки минимумини бажаришга қўшиш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига меҳнат ҳақи ва йўл ҳаражатларини тўлашнинг ушбу қарорда белгиланган тартибини совхозлардан ва бошқа давлат корхоналаридан хашак тайёрлаш учун мамлакатнинг бошқа районларига борадиган машинист-тракторчилар ва автомобиль ҳайдовчилари учун ҳам қўлланишга ижозат берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда истисно тариқасида республикалар, ўлкалар ва областларнинг ички ресурслари ҳисобидан хўжаликларнинг раҳбарлари билан келишиб, шаҳарларнинг, ишчи посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меҳнатга яроқли аҳолисини қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиш корхоналарида ишлашга жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1979 йилда совхозларда ҳосилни оммавий ўриб-йиғишнинг дастлабки кунлари даврида (аммо 10 кундан ортиқ бўлмаган даврда) уруғлик учун экилган қанд лавлагини ва уруғи тиши етишган қанд лавлагини кавлаб олишда банд бўлган машинист-тракторчилар меҳнатига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг дон, дуккакли дон экинлари, силослоп маккажўхори, кунгабоқар, картошка ва уруғлик ўт ўришда банд бўлган машинист-тракторчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун илгари қабул қилинган қарорида кўзда тутилган юқори расценкалар билан ҳам тўлашга ижозат берилди.

РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига колхозларга, совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳосил ўрим-йиғимида қатнашиш учун РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларига келган ҳамда шу районларда комбайнларда ишлашнинг мавсумий нормасини бажарган машинист-тракторчиларга ва машинист-тракторчиларнинг ёрдамчиларига давлат харид нархлари билан 10 центнергача, мавсумий нормани бажармаганларга эса озроқ миқдорда нақд пулга дон сотиш ҳуқуқи берилди. СССР Тайёрлаш министрлигига 1979 йилда, истисно тариқасида, РСФСР ва Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларига ҳосил ўрим-йиғимига келган машинист-тракторчилардан, машинист-тракторчиларнинг ёрдамчиларидан ва автомобиль шоферларидан ўз меҳнатлари эвазига олган донни киши бошига 14 центнергача миқдорда, бошқа районларга келган кишилардан эса 4 центнергача миқдорда станциялар ва пристанлар ҳузуридаги галла қабул қилиш корхоналарида қабул қилиб келиб қўйишни таъминлаш, ҳар бир автоколонна учун ҳар бири 1979 йил ҳосили ўрим-йиғимида ўз меҳнати эвазига қанча дон олганлиги тўғрисида хўжаликларнинг справкаларини кўрсатишлари керак), доимий ишчи

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

БОЛАЛАР—БАХТИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ, ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИНИНГ БУ ГАЛГИ «ДАВРА СУҲБАТИ» ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИЛИНАЕТГАН ИШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ.

БИЗ, СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИЛАР БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ СОҒЛОМ ВА БАХТИЁР БЎЛИШИ УЧУН ҲАММА ИШНИ ҚИЛИШГА ИНТИЛАЯПМИЗ. БИЗ МИНГ-МИНГЛАБ ЕРУҒ, ҚУЛАЙ БОЛАЛАР ЯСЛИЛАРИ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ, МАКТАБЛАР БАРПО ЭТДИК ВА ҚУРАЯПМИЗ. БИЗ БОЛАЛАРНИ ЭЗГУЛИККА, ДЎСТЛИККА ЎРГАТИШГА, МИЛЛАТИ ВА ТАНАСИНИНГ РАНГИ ҚАНДАЙЛИГИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БАРЧА КИШИЛАР БИЛАН ЯХШИ ҚЎШНИ БЎЛИБ ЯШАШНИ ЎРГАТИШГА, УЛАРНИ МЕҲНАТНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ВА БАРЧА КИШИЛАРНИНГ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛА БИЛИШГА ЎРГАТИШГА ИНТИЛАЯПМИЗ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.



Суратда: «Давра столи» иштирокчилари. А. Абалян фотоси.

ИСТИҚБОЛЛИ АВЛОД

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҳамма жойидаги сингари областимизда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXXI сессиясида тасдиқланган Халқаро болалар йилини муносиб нишонлашга ҳаракат қилинмоқда. Бу Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг махсус қабул қилган қарорида ҳам ўз ифодасини топди.

— **БОЛАЛАРНИНГ ҳаёти ва соғлиғи, таълими ва тарбияси, бугунги куни ва келажаги Коммунистик партия ва давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигидадир. Коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири — бахтли болаликни таъминлаш КПСС Программасида ҳам алоҳида олға сурилди.**

Ҳаётимизнинг кундалик реал воқеасига айланиб қолган инсонпарварлик соҳасидаги тадбирларни кузатар экансан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, болалар тарбияси ва таълимини яхшилаш, тегишли моддий-техника базасини ривожлантириш соҳасида ҳар томонлама иш олиб борилаётганлигини яна бир бор ҳис қиласан. Ана шу ишларнинг ҳаммасида халқ вакилларининг фаол иштирок этаётганлиги айниқса қувончлидир.

Ҳозир областимизда 750 дан зиёд мактабгача тарбия муассасалари бўлиб, уларга 95 минг нафар болалар қатнашади. Хўжаликлардаги 180 болалар боғчаси қишлоқ меҳнаткашларининг 15 мингдан зиёд фарзандини ўз бағрига олган. Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлган оналар ўз фарзандлари ишончли қўлларда эканлигидан хотиржамдирлар.

322 та мактаб парталарида 392 минг ўқувчи таълим олмоқда. 25 та пионерлар саройи ва уйлари, 35 та музика мактаби, 19 та ёш техниклар ва табиатшунослар станциялари, 34 та спорт мактаблари болалар иҳтиёрида. Мактабдан ташқари муассасаларнинг 90 та тўгарагида 40 минг ўғил-қиз шуғулланмоқда. Маҳаллий Советлар пионер лагерлари, санаторийлар ишини, мактабгача тарбия болалар муассасаларини ҳолатини мунтазам равишда текшириб бормоқдалар. Меҳнаткашларнинг 320 мингдан зиёд ўғил-қизлари ҳар йили экскурсияларга отланадилар, туристик юришларда иштирок этишади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи кенгайиб, болалар соғлиғини муҳофаза этиш, медицина хизмати тараққий этяпти. Шаҳар ва район Советларида бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Областимизнинг ҳамма жойларида ўтган йили қурувчилар болалар муассасаларини қуриш ва фойдаланишга топшириш планларини бажардилар.

Бу йўналишда ҳам халқ депутатлари Советларининг иштироки ва бевосита назорати фаоллашмоқда. Қилинган ишлар ҳажми кичик эмас. Бироқ, олдинда ҳали юксак довонлар бор. Ҳар бир маҳаллий Совет ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармалари, доимий комиссиялар ва депутатлар - болалар йилини намунали якунлаш учун ўз таъсирларини янада кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев марказий телевидение орқали сўзлаб, мамлакатимиздаги болалар йилини ўтказиш юзасидан бутун совет ва жамоат ташкилотларининг фаоллият программасини белгилаб берди. Бизнинг бурчимиз, деб таъкидлади у, тинч ва бахтиёр болаликни таъмин этишдир. Бу сўзларда бизнинг бутун ҳаракатимиз йўналиши мужассамлаштирилган.

Г. ЙЎЛДОШЕВА,
область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

БЕҚИЁС ҲУНАР ҒАМХЎРЛИК ЎРГАНИШАДИ

БОЛАЛАРГА самимий, эҳтиёткорлик билан муомала қилиш бизнинг социалистик жамият ахлоқ нормаларидан саналади. Бизда ёшлар қийинчилик, машаққатли меҳнат нималигини билмайдилар. Улар тинчлик қўритадиган қўл меҳнати ўрнига мактаб партасларида таълим-тарбия олишиб, пионер гулханлари атрофида қувноқ ўйинлар ташкил этишмоқда.

ХАЛҚАРО болалар йили муносабати билан қабул қилинган узоқ муддатли перспектив планлар Совет Иттифоқида аллақачонок кучга кирган. Жаҳон меҳнат ташкилоти томонидан «болалар меҳнатини чегаралаш ва қисқартириш программаси» эса Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ ҳукумат декрети билан қонунлаштирилган эди.

Ҳозирги кунларда мамлакатимизнинг кичик гражданларини ҳар томонлама камол топтириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Областимиз мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Минглаб болалар ҳар йили санаторий ва бошқа соғломлаштириш муассасаларида ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, пионер лагерларида ўз билимлари ва дунёқарашларини кенгайтириш билан бир қаторда кучқувват тўпламоқдалар. Фақат гина ўтган мавсумда 136 минг бола дам олишнинг турли формалари билан қамраб олинди. Бу мақсадлар учун социал страхованье воситалари ва касаба союзлар бюджетидан 3832 минг сўм ажратилди.

Ҳар йили областимизнинг энг чиройли бурчакларидаги 93 пионер лагери 90 мингдан зиёд ўқувчиларни ўз бағрига олади. Шаҳар пионер лагерларида эса 40 минг бола ҳордиқ чиқаради.

Бу йил пионер лагерларида санитария хизматини янада яхшилашга аҳамият берамиз. 17 та санаторий-даволаш типидаги пионер лагерларига 16 минг путёвка тарқатилади. Оммалашаётган ҳарбий-спорт лагерлари, меҳнат ва дам олиш лагерлари сони кўпаяди. Умуман дам олишнинг ҳамма кўринишлари бўйича 145 минг бола хордиқ чиқаради.

Маҳаллий советлар ва халқ вакилларининг талаб-истаклари асосида келгусида меҳнаткашларнинг фарзандлари учун кўплаб пионер лагерлари қуриб ишга туширилади. «Главташкентстройга қарашли 1-уйсозлик комбинати меҳнатчиларининг болалари учун 240 ўринли, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимларининг фарзандлари учун 320 ўринли, «Ўзэлектромонтаж» ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун 200 ўринли ва бошқа кўплаб пионер лагерлари ишга туширилади. Ишлаб турган ёзги даволаш муассасалари, павильонлар территорияларида ўйин майдончалари қурилади ва янада ободонлаштирилади.

Болаларнинг дам олишини янада яхшилаш учун жойларда бу ишларга раҳбарлик килишни яхшилаш лозим. Колхозлар ва совхозлардаги пионер лагерлари, жойлардаги болалар муассасаларини ўз вақтида ремонт қилиш ва жиҳозлаш устидан халқ депутатлари маҳаллий советлари ҳам пухта назорат қилишлари лозим.

М. САФАРОВ,
касаба союзлари область Советининг секретари, область Советининг депутати.

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРИКЛАР

ПАРТИЯ тарбия системасининг ҳамма бўғинларида мамлакатимиз ёш авлодини гражданлик, Ватанга қизғин муҳаббат, коммунизм идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бераяпти.

ШУ туфайли мактабдан ташқари ва маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти ёшларда ўз ҳуқуқлари ва фахрли граждanлик мажбурияти, совет кишисининг СССР Конституциясида қайд қилинган ҳуқуқ нормаларини ,англаш, уларни жамият учун фойдали меҳнат ва социалистик Ватан мудофаасига тайёрлаш соҳасидаги ишнинг ажралмас қисмидир.

Бизнинг шаҳримизда олтита мактабдан ташқари муассасалардаги тўгаракларда 3090 бола шуғулланмоқда. Бу ерда уларнинг мустақилликка ўрганиши, фан ва техника, санъат ва спортга бўлган ихлосларини ошириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Москвадаги Бутуниттифоқ техника ва ишлаб чиқариш ҳафталигида пионерлар уйининг қатнашчиси Владимир Золотов ўз авиамоделини намойиш қилди. Яна бир ҳамшаҳаримиз Муротали Мадрахимов Душанба Давлат университетида Ленин стипендияси билан ўқимоқда. Пионер штабининг собиқ аъзолари Н. Азизова ва Н. Гаптракинова ҳозир Қозон университети комсомол комитетида ишлашяпти. Бундай мисоллар кўп.

Бизнинг клубларимиз, санъат саройлари, кинотеатр, кутубхона, музейларимиз ҳар куни ўн мингдан зиёд болаларни қучоғига олишади. Фақат ўтган йилнинг ўзида ташкил этилган 800 лекцияга ўн мингдан зиёд болалар ва ўсмирлар қатнашдилар. 351 минг китоб фондига эга кутубхоналаримизда 37 минг 730 ёш китобхон бор.

Шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими жойлардаги клублар ва пионерлар уйида оммавий тадбирлар ўтказишга эътиборни кучайтирмоқда. Йил бошидан буён кўплаб пионер ва комсомол агитбригадалари кўриклари, саҳналаштирилган қўшиқлар конкурси, ўйинлар ва ўйинчоқлар ҳафталиги ўтказилди. Болалар йили муносабати билан болалар ва ёшлар китоблари ҳафталиги ташкил этилди. «Ташобликниготорг» билан ҳамкорликда унга 600 дан зиёд бола жалб этилди.

Бадиий ва техник ижодиёт виставкалари, ёш туристларнинг / анъанавий слётлари, спортнинг ўнлаб турлари бўйича спартакиадалар катта қизиқиш туғдирмоқда.

М. ШУКУРОВА,
Ангрен шаҳар пионерлар уйининг директори.

САНЪАТГА МУҲАББАТ

КЕЙИНГИ йилларда республикамизда қўшиқ санъатини ривожлантириш, ёшлар оиодига эътиборни кучайтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ҳамда кўрсатмаларн эълон қилинди. Республикамизда ана шу муҳим ҳужжатлар асосида анчагина ишлар амалга оширилди.

ШУ қарорга мувофиқ маданият, маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, Ўзбекистон кинематографияси, телевидение ва радио эшиттириш комитетлари, республика касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, композиторлар ва ёзувчилар союзлари қўшиқ санъатини пропаганда қилишни янада ривожлантириш ва кучайтириш; ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқдилар. Натижада халқ филармониялари, маданият саройлари, маданият уйлари, пионер ва ўқувчилар саройлари ҳамда музика мактаблари тармоқларида иш жонланиб кетди. Ҳозирги кунда областимизда 40 га яқин музика мактаблари фаолият кўрсатаётир. Хусусан бизнинг Тошкент районимизда иккита етти йиллик болалар музика мактаби мавжуд бўлиб, унда меҳнаткашларнинг 420 нафар ўғил-қизлари музика маданияти сирларини ўрганмоқдалар.

Ёшларга музика таълимини сингдириш ишига маҳаллий Советлар алоҳида эътибор бераётирлар. Қишлоқ Советлари қошидаги болалар билан ишлаш доимий комиссияси аъзолари қобилиятли, музикага астойдил қизиққан ўқувчиларни музика билим юртларига, мактабларига, тўгаракларга жалб этишда актив қатнашмоқдалар. Бу мактабларда хор коллективлари, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва бошқа ансамбллар ташкил этилган.

Районимиздаги мактабларнинг ҳаммасида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд. Уларда санъатнинг 19 тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари пионерлар уйи, маданият уйи, колхоз клубларида ҳам болалар ва ёшларни санъатга жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Бу маданият масканларида таълим олаётган ўқувчилар колхоз далаларига чиқишиб, ўз ота-оналарига турли программаларда концертлар кўрсатаётирлар.

Биз 1978 йилда райондаги 11-мактаб қошида ўқувчилар халқ филармонияси ташкил этган эдик. Ҳозир бу филармония иштирокчилари сони 350 нафардан ошиб кетди.

Районимизда ҳар йили ўтказиладиган мактаб ўқувчиларининг район, область, республика санъат байрами конкурслари ўқувчиларда яхши таассуротлар қолдирмоқда. Бу санъат байрам конкурсида бизнинг район мактаблари ўқувчилари яхши қатнашиб келмоқдалар. Шуниси қувонарлики охирги йилларда область кўриги ғолиби бўлиб республика кўригига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритаётган мактаб ўқувчилари ва коллективлари ҳам оз эмас.

Болаларнинг дунёқарашини шакллантиришда, таълим-тарбия бериш процессида биз педагоглар уларни соғлом, дидлик, софдил, ватанпарвар кишилар бўлиб етишишларида музикавий таълим ва эстетик тарбия беришни унутмаслигимиз керак.

У. МАҲМУДОВ,
Тошкент район, 11-мактаб директори, Келес шаҳар Советининг депутати.

БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ

БИЗНИНГ коллективимиз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Болалар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифати ва улар билан савдо қилишни яхшилаш юзасидан тадбирлар ҳақидаги қарорини муҳим ҳужжат сифатида муҳокама қилди.

КОРХОНАМИЗ болалар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла ихтисослаштирилган. Бу йил 89 хилдаги маҳсулотларни етказиб берамиз. Уларнинг 70 тури янгидан ўзлаштириляпти. 32 хил маҳсулотимизга Сифат белгиси берилган.

Вакилларимиз тез-тез сотувчилар билан учрашиб, аҳолининг талаб-истакларини ўрганиб бормоқдалар. Бу эса уларни ўз вақтида қондиришга имкон бермоқда.

Ўз топшириқларини кўнгилдагидек уддалаётган депутатлар Г. Безрукова, ёшларнинг мураббийси О. Ҳикматовалар билан фахрланамиз. Бу илғорлар «Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори асосида меҳнат қилаётган ташаббускорлардан саналишади.

Шаҳар Советида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги тадбирларимиз тез-тез қараб чиқилмоқда. Бундан кейин ҳам болалар пойафзалини янада сифатли ва кўп ишлаб чиқариш асосий вазифамиздир.

Т. НОРОВ,
Янгийўл пойафзал фабрикасининг директори.

Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз болалар боғчасининг меҳрибон мураббиялари (юқоридаги суратда) ва тарбияланувчиларидан бир группаси (пастда).

И. Тўлисбоев фотоси.

БОҒЧАЛАР ЭЪТИБОРИМИЗДА

РАЙОНИМИЗДА кенжатойлар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Айниқса 1979 йил халқаро болалар йили бўлганлиги учун ҳам биз уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши, яхши кийиниши, ўйнаб-кулиши учун конкрет тадбирлар белгилаб чиқдик.

ҲОЗИРГИ пайтда райондаги 53 та мактабгача муассасаларда 4,5 мингга яқин фарзандлар тарбия олишяпти. Маҳаллий Советлар депутатлари бутун район бўйича 7 ёшгача бўлган кенжатойларнинг рўйхатини аниқладилар.

Ана шу жажжи фарзандларимизни тарбиялаш ва уларга қулай шароит яратишдек олижаноб ишларни амалга оширишда Маҳмуд Исматов, Дилбар Имомова, Тўра Жонизоқов, Мария Сотимова, Жўра Хоназаров сингари депутатларнинг ҳиссаси катта. Халқ вакилларининг актив ёрдами туфайли 170 та дала шийпонларида болалар боғчалари мавсумга шай қилиб қўйилди. Бизнинг Ленин номли колхозда ҳам болаларга шароитни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтда шаҳарча каби чирой очиб турган қишлоғимизда 5 мингга яқин ўғил-қиз тарбия олмоқда. Бешта ўрта мактаб, ҳар бири 140 ўринли иккита доимий болалар боғчалари, дала шийпонларида мавсумий боғчалар, 21 та ясли, 100 ўринли болалар шифохонаси кенжатойлар хизматида. Бу бинолар қишлоғимизнинг энг кўркам ва файзли жойларига қурилган бўлиб, киччкинтойларнинг соғлом, тетик, қувноқ ўсишлари учун зарур бўлган шароитлар яратилган. Болалар муассасаларининг ҳаммаси керакли анжомлар билан жиҳозланган. Боғча болаларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаб боришга эътиборни кучайтирганмиз. Шу йилнинг ўзида болалар муассасаларининг ободончилиги, моддий таъминоти учун 60 минг сўмлик маблағ ажратдик.

Колхозимиз боғчалари жонкуяр депутатлар Н. Эргашева, Н. Авазов, Ҳ. Деҳконова, Т. Ниёзоваларнинг доимо назоратида. Улар боғчаларда кичкинтойлар учун ҳамиша оройиш бўлишини таъминлайдилар.

Биз бундан буён ҳам болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган муассасаларни кўпайтириб борамиз.

Ш. АБДУКАРИМОВ,
Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Учрашувда, шунингдек, Чирчиқ шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. С. ИСАЕВА, Оржоникидзе районидаги 1-ўрта мактаб директори И. Л. МИХОЛЬСКИЙ, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати касаба союз комитетининг раиси Б. М. МИРКОМИЛОВ, Пискентдаги уй-интернат директори С. А. АБДАЗОВ, Олмалиқ шаҳар маориф бўлимининг мудири П. И. ТИШЧЕНКОВА ўртоқлар ҳам жойларда халқаро болалар йили муносабати билан белгиланган ва амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Саҳифа материалларини халқ депутатлари область Совети ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири Ш. О. ДАДАБОЕВ, бўлим мудирининг ўринбосари В. М. ШАБАНОВ, бўлим инструктори Ж. М. РОҲАТОВА, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари С. ҲАСАНОВ ва А. БОБОБЕКОВлар тайёрлашди.



Бекобод районидаги марказий дорихона қишлоқ жойлардаги юзлаб аптека ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлаб келяпти. Суратда: Бекободдаги марказий дорихонанинг кўриниши. Г. Пун фотоси.

БИРДАМЛИК КЕЧАСИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг зали одатдагидан гавжум. Фаластин халқи озодлиги, Фаластин халқи билан Совет халқининг самимий дўстлигини тасвирловчи плакатлар ҳамда бу дўстликни олқишловчи шиорлар осиб қўйилган. Кенг ва муҳташам залга шаҳримизнинг турли корхоналаридан, олий ўқув юртларидан келган, институтда таҳсил олаётган совет ва чет эл ёшлари ташриф буюришди.

Бу ерда Фаластин халқининг озодлиги кунига бағишлаб «Фаластин ери» куни» тантанали кечаси бўлиб ўтди. Кечани ТошПИ проректори С. З. Ғуломиддинов очиб, Фаластин халқининг озодлик кураши ҳақида мазмунли нутқ сўзлари.

Қишлоқ хўжалиги институтининг аспиранти, Фаластин студентлари Иттифоқининг раиси Абдул Хон Ходжас ўз докладида жумладан, шундай деди: «Биз нефть манбаларимизни зўрлик билан ўз қўлига олган зўравонлар идора қилмайдиган ўз давлатимизни тузиш учун курашамиз... Биз тинчликни истаймиз. Биз осойишта яшашни, ишлашни, болаларимизни вояга етказишни истаймиз. Сионистлар эса, ўз ерларининг чегарасини кенгайтиришга интиладилар, урушни истайдилар. Биз бунга қаршимиз ва яна қаршимиз!!!».

Кечада вьетнамлик студент Май Ван, ТошПИ комсомол комитетининг аъзоси, «Интернационал дўстлик клуби»нинг президенти Ю. Э. Сераштан ҳамда Афғонистонлик студент Муҳаммад Хон ва бошқалар ҳам сўзлашди.

Митинг резолюциясида Фаластин еридан Исроил босқинчилари тезлик билан чиқиб кетишлари талаб этилди. Исроил билан Миснинг сепарат сулҳига фаол қаршилик кўрсатиш лозимлигини таъкидланди.

Кечада Миҳубй Самир, Абдулфатоҳ Мурод, Буҳу Абдулқодир, Геррух Фарид, Муҳаммад Абдуллар ижро этган ливанча, ўзбекча қўшиқ ва рақслар, Хазуани Мазен ижро этган саҳна ўйинлари ҳамда интермедиялар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

О. ХУСАНОВА,
ТошДУ студенти.

Реклама ва эълонлар

Муҳиддин Қорнёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6, 7, 8 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 да

Партиямиз қарорлари амалда! Наврўз байрамингиз муборак!

СИЗ СЕВГАН ЕШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Хонандалар: Ғулом ЭҚУБОВ, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Бахтиёр ТУЛАГАНОВ, Матлуба ДАДАБОЕВА, Малика ИБРОҲИМОВА, ака-ука ВАҲОБОВЛАР;

VI Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломантлари ака-ука ДИЛМУРОД, ЭЛМУРОД ва ҲОЛМУРОД ИСЛОМОВЛАР.

Раққоса: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Малика АҲМЕДОВА, Назриддин ШЕРМАТОВ, Тоҳир ЮСУПОВ;

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддинов ТУХТАСИНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Ғани ТУЛАГАНОВ.

Программани ўтказир СИДДИҚОВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

Бизнинг ахборот

КОЛХОЗДА 12 ТА БОЛАЛАР МУАССАСАСИ

Тошкент область Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози марказий посёлосининг болалар боғчаси 300 та — аввалгисидан икки баравар кўп ўғил-қизларни қабул қилабошлади. Эски бино ёнида янги икки қаватли корпус қуриш туфайли шунга эришилди.

Хўжаликда мактабгача тарбия болалар муассасаларига жойлаштириш муаммоси йўқ. Ҳозир бу ерда ҳамма аризалардаги талаблар қондирилган. Эқиш кампанияси арафасида дала шийпонларида мавсумий болалар боғчалари очилди. Уларда кичкинтойларни тарбиялаш учун мураббиялар ажратилди. Ҳозир хўжаликда жами 12 та мактабгача тарбия болалар муассасалари ишлаб турибди. Колхоз шу муассасаларда болаларни боқиш учун шу йил чорак миллион сўмдан ошиқ пул ажратди.

(ЎзТАГ).

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Иванович Жемакин катта ижод йўлини босиб ўтган. У яратган полотнолар ўлкамиз тарихидан ҳикоя қилади.

«Паранжи ташлаш», «Ҳамза», «Тошкент комиссарлари» кабн асарлари ана шулар жумласидандир.

Шу кунларда уста рассом В. И. Жемакин мўйқаламига мансуб асарлар СССР халқлари дўстлиги музейида намойиш қилинмоқда. Рассом кейинги йилларда чўлқувварлар ҳаётини акс эттирувчи полотнолар яратди. «Чўлга ҳужум», «Чўлдаги станцияда», «Мирзачўл», «Сув келди» кабн асарларида янги ерларни ўзлаштираётган кишилар ҳаёти тўлақонли ифодаланган. Намойиш этилаётган картина ва этюдлар рассомнинг томошабинлар олдидаги ижодий ҳисоботидир.

М. ЗАРИПОВ.

«ОРОМ»ГА РАҲМАТ

Яқинда Тошкент область касаба союзлари Советининг ташаббуси билан «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйида касаба союз активлари семинари ўтказилди. Семинар кунларида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг «Ором» ансамбли тингловчиларни хурсанд қилди.

А. Лутфуллаев, Ш. Оллоберганов, Р. Ҳабибов, К. Норбоев, Г. Нажимова, М. Аккароваларнинг ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар томошабинларга манзур бўлди.

Семинар қатнашчилари номидан институтининг ректорати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига ҳаваскорларга намунали маданий хизмати учун чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз.

А. АБДУҒАФФОРОВ,
Ҳ. АБДУҲАКИМОВ,
У. МАҲКАМОВ,
У. ТОҒАБОЕВ.

МАКТАБ БОҒИ КЕНГАЙДИ

Ленин номли колхоз территориясига жойлашган Навоий номли 6-ўрта мактабнинг атрофида янги кўчатзор пайдо бўлди. Ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан 600 туп гул кўчати, 20 туп арча, 200 тупдан ортиқ ҳар хил мевали дарахтлар ўтказилди. Натижада мактаб боғи анча кенгайди. Токзор, боғ ва гулзор мактаб ҳуснига ҳусн қўшди.

Т. ДУСОНОВ,
Тошкент райони.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Бу ерда миллий аграр-саноат иттифоқининг таъсис съезди бўлди. Бу — Болгария давлат ва кооператив ташкилотларининг кўнгилли иқтисодий иттифоқидир.

Делегатлар мамлакат қишлоқ хўжалиги ва саноати ходимларига ҳамда мутахассисларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қабул қилиб, унда куч-ғайратларни қишлоқ хўжалигини яна ҳам юксалтиришни таъминлашга, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, сифат ва самарадорликни оширишга, болгар халқининг фаровонлигини юксалтиришга сафарбар қилишга даъват этдилар.

Съезд ишида БКП Марказий Комитетининг Секретари секретари, БХР давлат кенгашининг Раиси Т. Живков иштирок этди.

ПАНАМА. Сандино номидаги миллий озодлик фронтининг вакиллари Никарагуа ўнг кучларининг диктатор Сомосани Вашингтоннинг бошқа бир одами билан алмаштириш режаларини барбод этишга даъват қилдилар. Фронт ўз сафларининг тўла бирлигини Сомосанинг миллий гвардиясига қарши жанг операцияларига раҳбарлик қилувчи ягона орган тузилганлигини эълон қилди.

НИКАРАГУА. Индонезияда янги молия йили бошланди. Мамлакат жамоатчилиги экономиканинг миллий секторини мустаҳкамлаш, чет эл капитали фаолиятини чеклаш йўлидаги прогрессив тадбирларнинг шу молия йилида амалга оширилишига умид боғламоқда.

(ТАСС, 3 апрель).

М. БОЗОРГОНННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТЕҲРОН, 3 апрель. (ТАСС). Эрон муваққат ҳукуматининг Бош министри М. Бозоргон бугун матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Эрон Форс кўрфазида ва Ҳинд океанида жандарм ролини ўйнамайди ва шу ролни ижро этиш билан боғлиқ барча лойиҳаларнинг амалга оширилишини тўхтатади, деб айтди. АҚШ билан тузилган битимлар ва шартномаларга келганда, ҳукумат ҳозирча уларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш имкониятига эга бўлган эмас. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу шартномалардан кўпи бекор қилинади деб ишонч билан айтиш мумкин.

М. Бозоргон мамлакатнинг иқтисодий аҳволига тўхталиб, ҳокимиятни қўлга олиш вақтида юз берган танглик ҳақида гапирганда, ҳукумат ҳозирча уларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш имкониятига эга бўлган эмас. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу шартномалардан кўпи бекор қилинади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Эрон ҳукуматининг бошлиги бошқарувнинг республика формаси учун деярли якдиллик билан овоз берган сайловчиларнинг мисли сиз активлигини таъкидлаб, референдум якунларидан мамнун эканлигини билдирди. Айни вақтда унинг сўзига қараганда конституцияни тузиб чиқмасдан олдин ислом республикасининг бўлажак давлат тузилиши хусусиятлари тўғрисида ҳозирча бир нарса айтиш мумкин эмас.

М. Бозоргон ҳар қандай сепаратчилик майлларига ва Эроннинг миллий ҳамда территориал бирлигига путур етказиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши фикр билдириб, майда миллатларга уларнинг ҳоҳишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ягона қоида асосида маълум даражада автономия берилиши керакли гини таъкидлади. Автономия шу майда миллатларнинг ўз она тили ва маданиятига эга бўлиш ҳуқуқини, маҳаллий ҳокимият органларида актив қатнашиш ҳуқуқини гарантиялаши керак.


Бош министр республикасининг доимий ҳукумати сайланганидан кейин ислом революцион кенгаши тарқатиб юборилишини айтди. Мамлакат революцион даврдан ҳўжалик қурилиши даврига ўтиши муносабати билан илгарироқ «революцион комитетлар» ҳам тарқалиши лозим.

БЕЛЬГИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

БРЮССЕЛЬ. 3 апрель. (ТАСС). Бельгияда христиан халқ партиясининг раиси В. Мартенс бошчилигидаги янги ҳукумат состави эълон қилинди. Ташқи ишлар министри лавозимини яна А. Симоне эгалламоқда. Кабинет беш сиёсий партия вакилларидан иборат. Улар Бельгия давлат тузилишини ислоҳ қилиш лойиҳаси юзасидан ўзаро келишиб олишга муваффақ бўлдилар.

Фламанд ва Валлон социал христианлар, социалистлар ва франкофонлар демократик фронтидан иборат шу партиялар ўзларининг навбатдан ташқари съездларида бўлажак ҳукумат программаси юзасидан ўз бошлиқлари ўзаро келишиб олган шартномани маъқулладилар.

Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тангликнинг кучайишига ёрдам берган ихтилофларни бартараф этиш учун беш сиёсий партияга уч ойдан зиёд вақт керак бўлиб қолди. Молия министри Г. Геенснинг айтишича, ҳозирги вақтда Бельгия экономикасининг барча тармоқларида танг аҳвол давом этмоқда. Бельгия коммунистлар партиясининг якшанба ўз ишини тамомлаган XXIII съезди делегатлари иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тангликни бартараф этиш мақсадида шошилинч чоралар кўриш зарур эканлигини таъкидладилар.



БУГУНГИ ВЕНГРИЯ

ВЕНГРИЯНИНГ Сегед шаҳри билан СССРнинг Одесса шаҳри ўртасида қалин дўстлик алоқалари ўрнатилган. Сегед шаҳри совет қўшинлари фашист босқинчиларидан озод қилган Венгриянинг биринчи катта шаҳри эди. Одесса эса ВХР шаҳри билан биродарлашган биринчи совет шаҳри бўлди.

СУРАТЛАРДА: Сегед шаҳрида ўрнатилган лавҳа. Унда «Шаҳарнинг бу қисмига совет қаҳрамон шаҳри, Сегед биродари Одесса шаҳрининг номи берилган, у иккала шаҳарнинг абадий дўстлигининг тимсолидир. Бу ёдгорлик тоши Сегед шаҳри томонидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишлаб қўйилган», деб ёзилган. Пастдаги суратда Сегеднинг Одесса коми билан аталувчи қисмидаги турар-жой кварталлари.

Б. Мастюков фотолари.
ТАСС фотохроникаси.



АФҒОН ХАЛҚИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ҚОБУЛ, 3 апрель. (ТАСС мухбири). Афғонистон Демократик Республикаси кон ишлари ва саноат министри И. Дониш ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Афғонистон Демократик Республикасининг реал миллий даромади Апрель революциясидан кейин ўтган давр мобайнида илгаридагига нисбатан 2 миллиард афғонийга миқдорида кўпайди. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг умумий қиммати ҳам анча ўсди. Бу муваффақиятлар Афғон халқининг ғайрат-шижоат билан меҳнат қилганлиги самарасидир. Апрель революцияси мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

Мамлакат беш йиллик планни амалга оширишга киришди. Беш йиллик давомида мис қўйиш комбинати, нефть тозалаш заводи қурилади, азот ўғитлари заводининг иккинчи навбати қуриб битказилади, янги пахта тозалаш фабрикалари ва бошқа кўпгина саноат объектлари барпо этилди.

И. Дониш СССРнинг ва социалистик ҳамдўсликдаги бошқа мамлакатларнинг Афғонистон Демократик Республикасига ёрдамига юксак баҳо берди. Бизга ҳолисона ёрдам берилмоқда, деб таъкидлади у. Бу ёрдам Афғонистоннинг табиий ресурсларидан Афғон халқининг бахт-саодати йўлида фойдаланишга имкон беради.

Р. МУСИН.

Спорт

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ереван шаҳрида «Правда» газетаси совриии учун енгил атлетикачиларнинг Бутуниттифоқ XVIII кросс мусобақалари бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, бу сафарги беллашувларда республикамиз вакиллари аввалги йиллардагига қараганда анча яхши қатнашдилар. Умуман, Ўзбекистон енгил атлетикачилари СССР халқлари VII спартакиадаси йили бўлган — 1979 йилни жуда яхши бошладилар. Улар халқаро турнирларда, мамлакат биринчиликларида ва Европа чемпионатида бир нечта медалларни олишга сазовор бўлдилар.

Қизлар ўртасида 1000 метрга бўлган югуришда республикамиз вакили О. Маругина 3 минут 05,0 секунд вақт кўрсатиб иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш совриндор бўлди. 1500 метрга бўлган югуришда яна бир вакилимиз — Л. Кирюхина 4 минут 29,5 секунд натижа билан учинчи ўринни олди. ҳамда бронза медали билан тақдирланди. 18-19 ёшли йигитлар ўртасида ўтказилган беллашувда 3 минг метр масофани 8 минут 13,5 секундда югуриб ўтган А. Кузнецов финиш чизигига иккинчи бўлиб етиб келди. 5 минг метрга бўлган югуришда эса тошкентлик А. Иброҳимов ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилди ва олтин медаль билан тақдирланди.

СОВЕТ СПОРТИНИ ШАРАФЛАБ

Жазонрда велосипедчиларнинг халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командаси совет спорти шарафини муносиб ҳимоя қилди. Команда ҳисобида республикамиз вакиллари биринчи бўлдилар. Шахсий ҳисобда, олмалиқлик халқаро класседаги спорт мастери Шоҳид Загриддинов иккинчи ўринни эгаллади. Польшалик Р. Шурковский эса пойгада бош совринни қўлга киритди.

КУБОК ПОЛВОНЛАРИМИЗДА

Американинг Толидо шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Ҳал қилувчи баҳсда ғолиблик учун СССР ва АҚШ полвонлари учрашдилар. Совет спортчилари сафида республикамиз вакили Ҳасан Зангиев ҳам иштирок этди. 82 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган спортчимиз терма командамиз ғалабасига муносиб улуш қўшди. Финалда 6:4 ҳисобида ғолиб келган совет спортчилари жаҳон кубоги эгаси бўлдилар.

СУВДАГИ ГОЛЛАР

Ватерпол бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари мавсумнинг сўнгги якунловчи ўйинларини ўтказишмоқда. Киевда энг кучли олти команда ўртасидаги баҳслар тугади. МГУ командаси барвақт олган медаль эгаси бўлган бўлса, кумуш ва бронза медаллари эгалари охирги учрашувларда аниқланди. Ҳарбий Денгиз Флоти Марказий спорт клуби командаси билан бўлган учрашувни 6:6 ҳисобида дуранг қилган пойтахт динамочилари иккинчи бўлдилар.

Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари эса Ленинград шаҳрида 7—14 ўринлар учун куч синашаётган группада қатнашмоқдалар. Командамиз Олмаотанинг «Динамо» ватерполчиларига 6:11 ҳисобида ютқазиб қўйгач, Минск студентлари билан бўлган ўйинни 5:5, Москванинг МЭИ командаси билан 4:4 ҳисобида ўйнаб, Львовнинг «Динамо» командасини 5:4 ҳисобида енгди. Кейинги учрашувни эса Ленинграднинг «Балтика» командаси билан ўтказиб, 7:7 ҳисобида дуранг қилди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз! 10.35 — Строговлар. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Асл йигитлар. 12.20— Совет композиторларининг камер куйлари. 12.50 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Ц. Франк. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун симфоник вариациялар. 16.40 — Рус тили. 17.10 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Қўшиғимиз парвоз этг. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30— Тадеуш Сигетиньский номли «Мозовше» давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.00 — Ноқоратупроқ одимлари. 20.20 —Строговлар. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Вақт. 22.05 — Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.25 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Тор болалари. Фильм-концерт. 18.20 — «Комсомолец Узбекистана» газетасининг совриии учун сузиш бўйича XVII анъанавий мусобақалар. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Совет киносининг 60 йилдигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музика истиқболи эгалари. 21.30 — Вақт. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Оддий муҳаббат. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.30 — Юксалишга ҳозирдик. 20.50 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IV да Дилором (250-спектакль), 6/IV да Севги ҳақида афсона (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да Рўйхатларда йўқ, 6/IV да Шошма, қуёш!

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IV да Шаҳзода ва етим қиз, 6/IV да Зеби-Зебона.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IV да Фақат аҳл сотилмайди, 6/IV да Ҳаммомга бало борми?

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 6/IV да Анатолий Фурманов раҳбарлигидаги иллюзион ревюнинг хайрлашув гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01889. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64633. Е—2366.